

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАДЖИЕВ МИРХОТАМ МИРХАШИМОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ЎҚИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИДАГИ НЕВРОЛОГИК
БУЗИЛИШЛАРНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ, ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Таджиев Мирхотам Мирхашимович

Умуртқа поғонаси ўқи деформацияларидаги неврологик бузилишларни комплекс баҳолаш, даволашни оптималлаштириш масалалари 3

Таджиев Мирхотам Мирхашимович

Комплексная оценка неврологических расстройств при осевых деформациях позвоночника, вопросы оптимизации терапии..... 26

Tadgiev Mirhotam Mirhashimovich

Integrated evaluation of neurological disorders in axial spine deformations, questions of optimization of therapy 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАДЖИЕВ МИРХОТАМ МИРХАШИМОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ЎҚИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИДАГИ НЕВРОЛОГИК
БУЗИЛИШЛАРНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ, ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib399 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tipme.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Маджидова Якутхон Набиевна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирджураев Элбек Миршавкатович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ирисметов Муроджон Эргашевич,
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**С.Д. Асфендияров номидаги қозоқ
миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: +99871268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, “дунё бўйича умуртқа поғонаси касалликларининг оғишмай ўсиб бориши кузатилмоқда. Умуртқа поғонаси патологияси бўлган барча беморларнинг 70% гача, юқори даражада бирламчи ногиронликнинг 41,1% ни ташкил қилган умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари кенг тарқалган”¹. Умуртқа поғонаси ўқининг деформациялари (УПЎД) оғир ортопедик касалликлардан бири бўлиб, ногиронликка олиб келувчи умуртқа поғонасининг фронтал, горизонтал ва сагиттал текисликдаги мураккаб деформацияларидир. “Ортопедик касалланиш тузилмасида қоматнинг бузилиши бўлган беморлар улуши 38,6% гача, сколиоз ва кифоз – 9% гачани ташкил қилади”². Бу муаммонинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради.

Бутун дунёда умуртқа поғонасини хирургик ва терапевтик коррекциясининг юқори самарадорлигига эришишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан касаллик, унинг учрашиши, ривожланиш хавфи ва патогенетик сабабларини аниқлаш, УПЎД лари оғирлик даражаларини аниқлаш учун замонавий таснифлар ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, УПЎД клиник ва неврологик кўринишларини аниқлаш, замонавий ташхислаш ва хирургик давонинг илғор усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Клиник шакллари ва унинг нейровизуализация маълумотлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш, амбулатор ва стационар шароитда консерватив даво ва реабилитацияни ишлаб чиқиш, асоратларни камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган касалликнинг профилактикаси ва комплекс чора-тадбирларга тизимли ёндашиш бу соҳада етакчи ҳисобланади.

Мамлакатимизда замонавий босқичда ижтимоий муҳофаза ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, асаб тизимининг турли касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикаси сифатини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Шу боисдан УПЎД ни ташхислаш ва давонинг замонавий юқори технологик усуллари ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни кенг қўллаш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизматни кўрсатиш ҳаёт сифатини, ижтимоий ҳаётга бўлган реабилитацияни ортиш имкониятини беради, ногиронликни камайишига олиб келади.

¹ World report on ageing and health: World Health Organization. 2015

² Aroeira R.M., Leal J.S., De Melo P. New method of scoliosis assessment: preliminary results using computerized photogrammetry // Spine. -2011.-Vol. 36, №19_ p. 1584-1591.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан мослиги. Диссертация иши VI. “Тиббиёт ва фармакология” республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. УПЎД ни аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва профилактикасиغا янгича ёндошишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: (University of Alberta, Edmonton, (Канада); Midwestern University, Downers Grove, Illinois, (АҚШ); Rosalind Franklin University, North Chicago, Illinois, (АҚШ), SpineSurgery, Drum Tower Hospital of Nanjing University Medical School, Nanjing, (Хитой); The Joint Scoliosis Research Center of Nanjing University and the Chinese University of Hong Kong, Nanjing, (Хитой); Department of Orthopedics and Traumatology, The Chinese University of Hong Kong, Hong Kong, (Хитой); Spine Academy Physical Therapy, PLLC, Lexington, MA, (АҚШ); University of Alberta, Edmonton, (Канада), Украина ССВ П.Л. Шупик номли дипломдан кейинги таълимнинг Миллий тиббий академияси, Украина ТФА акад. А.П. Ромоданов номидаги нейрохирургия Институтини, Украина ТФА травматология ва ортопедия Институтини, профессор А.Л. Поленов номидаги Россия нейрохирургия илмий-тадқиқот институтини, В.А. Алмазов номидаги ФГБУ шимолий-ғарб федерал тиббий тадқиқот марказини, Россия ССВ Я.Л. Цивьян номли ФГБУ Новосибирск травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтини, Иркутск давлат врачлар малакасини ошириш институтини (Иркутск), Республика болалар ортопедия марказини (Тошкент), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий марказини (Тошкент) олиб борилади.

УПЎД эпидемиологияси ва патогенези, эрта ташхислаш, хирургик ва консерватив даволаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган, УПЎД бўлган болаларни сканирлаш ва деформациянинг чин бурчагини баҳолаш мумкин бўлган максимал

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uwa.edu.au, www.en.sjtu.edu.cn, www.utoronto.ca, www.case.edu, www.en.uni.lu, www.iso.nbu.edu.cn, www.iuims.ac.ir, www.asu.edu, <https://www.aans.org/>; <https://www.nsi.ru/> <https://www.chop.edu/centers-programs/center-fetal-diagnosis-and-treatment>; <https://www.university-directory.eu/>; <https://www.gradschools.com/programs/neuroscience>; <http://www.unifesp.br>; <http://www.almazovcentre.ru>; <http://neuro.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

эгриликнинг текислигини тиклаш учун ўлчамли ултратовушли усул ишлаб чиқилди (University of Alberta, Edmonton, Canada); умуртқа поғонасининг танланган беш параметрлари бўйича орқа юзасининг топографиясини қўллаш УПЎД бўлган беморларни ташхислашнинг ишончли ноинвазив усули бўлиб ҳисобланиши аниқланган; (Midwestern University, Downers Grove, Illinois, USA; Rosalind Franklin University, North Chicago, Illinois, USA); болаларда мелатониннинг танқислиги сколиознинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин ва ушбу моделда мелатонинни парентерал юбориш деформация ривожланишининг олдини олиши аниқланган (Spine Surgery, Drum Tower Hospital of Nanjing University Medical School, Nanjing, China; The Joint Scoliosis Research Center of Nanjing University and the Chinese University of Hong Kong, Nanjing, China; Department of Orthopedics and Traumatology, The Chinese University of Hong Kong, Hong Kong, China); жисмоний машқлар ва гимнастикадан фойдаланиш сколиоз бўлган катталарда, айниқса қоматни, оғриқ ва нафасни назорат қилишда, ижобий самаралар бериши мумкинлиги аниқланган (Spine Academy Physical Therapy, PLLC, Lexington, MA, USA; University of Alberta, Edmonton, Canada).

Ҳозирги вақтда УПЎД меъёрий ва патологик параметрларни аниқлашда рентгенологик, КТ ва МРТ текширув усуллариининг информативлиги даражасининг қиёсий тахлили; патологик радиологик параметрларни аниқлаш; УПЎД нейрофизиологик диагностикасини оптималлаштириш; даво самарадорлигининг прогностик мезонларини аниқлаш; консерватив даво ва профилактикасини такомиллаштириш; беморларнинг консерватив ва хирургик давога ёндошуви алгоритминини ишлаб чиқиш масалалари диққат марказида бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимларнинг илмий ишлари тадқиқотнинг ултратовушли усуллари билан умуртқа поғонаси деформациясини ташхислашни оптималлаштириш (Quang N. Vo, et al., 2016; Rui Zheng, et al., 2016) ва орқанинг оптик топографиясига (Eric C Parent et al., 2016; Vasileios Kechagias, et al., 2016) бағишланган. Тери сон нерви орқали ССВП интраперацион нейромониторингининг муҳим прогностик аҳамияти ҳақидаги маълумотлар мавжуд (Negar Behzadi Fard, et al., 2016). УПЎД ни хирургик йўл билан даволашга бағишланган жуда кўп сонли мақолалар чоп этилган. (Kelly Grimes et al., 2016; Julie Touchette et al., 2016; Andrew Chanet et al., 2016). Шу билан бирга УПЎД бўйича умуртқа поғонасида ўтказилган жаррохлик амалиётидан сўнг, 1,9% дан 4,4% гача кузатиладиган, операциядан кейинги инфекцияларнинг учраши ҳақидаги маълумотлар ҳам бор (Jamal N., et al., 2019; Jonathan D., et al., 2019). УПЎД консерватив терапиясининг самарадорлиги (Jason Black et al., 2016), ҳамда умуртқа поғонаси деформациясида Шрот усули бўйича умуртқа поғонаси машқларининг самарадорлиги ҳақида фақатгина бир-икки маълумотлар мавжуд (Sanja Schreiber, et al., 2016).

Яқин ва узоқ чет эл мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, замонавий босқичда бир корпусли илгакли коррекцияловчи тизим, самарали, бехатар, ресурсларни сақлаб қолувчи, позицион ва босқичли реконструктив-коррекцияловчи усуллариининг сколиоз мобиллигини

ривожлантиришнинг функционал даволаш-диагностик комплексини қўллаш асосида ўсмир болаларда сколиотик деформацияни жаррохлик йўли билан даволашнинг стратегияси шаклланади (Азизов М.Ж. ва б., 2018). Сўнги ўн йилликда клиник амалиётга текширувнинг замонавий усуллари рентген-визуализация усулларининг жорий этилиши (МРТ, МСКТ) нафақат умуртқа поғонаси устуни, фасет бўғимларни визуализация қилишга, балки орқа миянинг шикастланиши ва унинг аномалияларини аниқлашга имкон беради (Anthony Kouri, et al., 2019).

Ҳозирги вақтда турли физиотерапевтик усулларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш ва комплекс даволашда физиотерапиядан фойдаланиш ҳақидаги умумлаштирилган маълумотларнинг тўпланганлигига қарамай, даволашнинг турли босқичларида янада интенсив таъсир кўрсатиш ва комплекс диагностик ва терапевтик усулларни ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланган, саногенетик механизмларнинг активацияси учун максимал даражада физиотерапиядан фойдаланиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасини оптималлаштириш” мавзуси доирасида бажарилди. шифр: 03.191, №01980006703.

Тадқиқотнинг мақсади: клиник-неврологик, нейрофизиологик ва биокимёвий маълумотларни ўрганиш асосида УПЎД даражасига боғлиқ ҳолда неврологик асоратлари аниқлаш, консерватив даволашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

УПЎД билан оғриган беморларда уларнинг деформациясининг даражасига кўра неврологик асоратларини аниқлаш;

УПЎД билан оғриган беморларда уларнинг деформациясининг даражасига боғлиқ ҳолда клиник-нейрофизиологик хусусиятларини аниқлаш, неврологик асоратлари бўлган беморларда интраоперацион нейромониторингни олиб бориш;

Умуртқа поғонаси деформациясининг ифодаланганлик даражасига боғлиқ ҳолда УПЎДнинг неврологик асоратлари бўлган беморларда клиник-биокимёвий корреляцияни олиб бориш;

УПЎДнинг неврологик асоратлари булган ҳолларда, оғирлик даражасининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш;

УПЎДнинг неврологик асоратларининг даволашнинг комплекс консерватив усулини ишлаб чиқиш ва даволаш динамикасида клиник-параклиник кўрсаткичларнинг самарадорлигини баҳолаш;

Клиник-параклиник таҳлиллар асосида УПЎД булган беморларда неврологик асоратларини тасхислаш мезонларини аниқлаш, консерватив ва оператив даволашга беморларни йўналтириш учун алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010–2020 йилларда Республика болалар ортопедия марказида даволанган умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган 295 нафар беморлар ва 45 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: неврологик статусни комплекс баҳолаш, биокимёвий, ИФА, нейрофизиологик (ЭНМГ, ССЧП, ИОНМ, ВНС-метрия) текширувларнинг натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик усуллар қўлланилди, визуал аналогли шкала (ВАШ) бўйича оғриқ синдроми, нейропатик оғриқ (DN4), ВНС-саволномаси, вертеброневрологик симптомларни балли баҳолашнинг суммар клиник шкаласи бўйича (ВНСББСКШ), Бек шкаласи; нейрофизиологик текширувлар: электронейромиография (ЭНМГ), ташхислаш ва ИОНМ босқичида соматосенсор чакирилган потенциаллар (ССЧП), тери-галваник чакирилган потенциаллар (ТГЧП) ва олий мия қобиғи функцияларини аниқлаш билан ВНС-метрия, J.Cobba бўйича деформация бурчагини ўлчаш билан умуртқа поғонаси рентгени, умуртқа поғонаси КТ ва МРТ си, биокимёвий кўрсаткичлар ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳар томонлама комплекс баҳолаш билан шкалалар асосида (визуал аналогли шкала, DN4, ВНС-саволномаси, вертеброневрологик симптомларни балли баҳолашнинг суммар клиник шкаласи, Бек шкаласи) деформациянинг даражаси ва олиб борилган давога боғлиқ ҳолда умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларнинг клиник вертеброневрологик симптоматикаси тақдим этилган;

илк бор тери-галваник чакирилган потенциаллар ёрдамида УПЎД неврологик кўринишлари бўлган беморларда симпатикотоник белгилари устин келиши аниқланган;

илк бор умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси ва неврологик симптоматикасининг зўрайишида травматизация ва биохимик курсаткичларини алмашинуви бузилишлари ахамиятга эгаллиги аниқланди ва “узвийлик айланаси” модели тақдим этилган;

илк бор қон зардобидида гликозаминогликан концентрацияси УПЎД ва неврологик симптоматикасининг оғирлик даражасини прогностик белгиси бўлиб аниқланган;

УПЎД ни таклиф этилган комплекс консерватив давога метаболик терапия ва краниовертебрал микрополяризацияни киритиш йўли билан оптималлаштирилган;

УПЎД да асаб тизими функционал оғирлик даражасининг диагностик мезонларини ишлаб чиқиш асосида беморларни консерватив ва оператив даволашга дифференциацияланган ёндошув таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

УПЎД бўлган беморларда шкалалар ёрдамида (ВАШ, DN4, ВНСББСКШ, ВНС-саволномаси, Бек шкаласи) ва функционал нейродиагностикадан фойдаланиб (ЭНМГ, ВП (ССЧП, ТГЧП) ташхислаш оптималлаштирилган.

УПЎД бўлган беморларни самарали консерватив даволаш, консерватив ва хирургик давога ёндошув алгоритми таклиф этилган.

УПЎД да неврологик асоратлари бўлган беморларда жаррохлик амалиётини ўтказиш жараёнида интраоперацион нейромониторингни олиб бориш интра- ва операциядан кейинги неврологик асоратларнинг юзага келиши хавфини камайтиришга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланилиши, илмий тадқиқотни олиб боришнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли миқдорда текширувдан ўтказилган беморлар сони, тадқиқотнинг бир-бирини тўлдирувчи замонавий клиник-неврологик, клиник-биокимёвий, нейровизуализацияловчи, нейрофизиологик диагностик усуллари-нинг ўтказилиши ва УПЎД неврологик кўринишларининг консерватив давосининг жорий этилиши, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти УПЎД бўлган беморларда шкалалар (ВАШ, DN4, ВНСББСКШ, ВНС-саволномаси, Бек шкаласи) ва функционал нейродиагностикадан (ЭНМГ, ВП (ССЧП, ТГЧП) фойдаланиб клиник-неврологик кўрсаткичларни ўрганишдан иборат, улар ёрдамида касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш билан УПЎД неврологик кўринишларининг диагностикаси ва дифференциал диагностикасини олиб боришга имкон берувчи касалликнинг диагностик мезонлари аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти даво нархини пасайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи даво чора-тадбирларининг комплекси кўринишида физиотерапия (краниовертебрал микрополяризация, даволовчи жисмоний тарбия ва массаж, операциядан аввал тайёргарликда умуртқа поғонасини чўзиб тортиш) билан биргаликда таклиф этилган самарали медикаментоз (ЯҚНВ, миорелаксантлар, антихолинэстераза препаратлари, В гуруҳидаги витаминлар, хондропротекторлар, L-карнитин метаболит препаратлари) терапияни қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. УПЎД неврологик кўринишларининг янги диагностик усуллари ва таклиф этилган давоси самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Умуртқа поғонаси деформациясининг турли даражалари бўлган беморларда кузатиладиган неврологик симптоматика» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12 декабр 2019 йилдаги 8н-д/313-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома деформациянинг даражасига боғлиқ ҳолда клиникаси ва диагностикасини ёритади;

«Умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларда краниовертебрал микрополяризацияси билан неврологик кўринишларни коррекция қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12 декабр 2019 йилдаги 8н-д/313-сон маълумотномаси). Тавсия этилган услубий тавсиянома умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларда краниовертебрал микрополяризацияси билан неврологик кўринишларни коррекция қилиш билан даво самарадорлигини ошириш имконини берган;

УПЎД неврологик кўринишларининг янги диагностик усуллари ва таклиф этилган давоси самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Ибн Сино номли 1-Шаҳар клиник шифохонаси, Республика болалар ортопедияси маркази, Тошкент шаҳар Н.М.Маджидов номли “NeuroMed Servis” ва “Global Med System” хусусий клиникасининг амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19 декабр 2019 йилдаги 8н-д/313-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларни ташхислаш ва давосини оптималлаштиришга бағишланган. Жорий этиш натижалари умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларда ташхислаш аниқлигини ошириш ва неврологик асоратларнинг шаклланишини олдини олиш, турли асоратларнинг ривожланиш хавфини ва ногиронлик даражасини камайитиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 10 илмий анжуманлар, жумладан 4 халқаро ва 6 республика анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 37 илмий ишлар, улардан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 17 та журнал мақолалари, жумладан, 14 та республика ва 3 та халқаро журналларда илмий ишлар чоп этилди.

Диссертациянинг структураси ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 184 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, илмий ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Умуртқа поғонаси ўқининг деформациясига замонавий қарашлар”** деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда УПЎД нинг эпидемиологияси, анатомияси, таснифи, клиникаси, диагностикаси, шунингдек консерватив ва оператив терапияга ёндошуви афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари”** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари келтирилган. Тадқиқот иши 2010–2020 йилларда Республика болалар ортопедия марказида даволанган УПЎД бўлган 295 нафар беморларни проспектив кузатишга асосланган. Бундан ташқари 45 нафар соғлом шахсларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Биз физиотерапия (краниовертебрал микрополяризация (КВМП), даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) ва массаж) билан биргаликда медикаментоз даво чоратадбирларининг комплекси кўринишида (ЯҚНВ, миорелаксантлар, вазоактив препаратлар, В гурухидаги витаминлар, хондропротекторлар, L-карнитин метаболик препарати) консерватив терапияни таклиф қилдик. Шу боисдан барча беморлар 4 даволаш гурухларига тақсимландилар: назорат гурухи (НГ) фақат асосий терапияни олдилар, биринчи таққослаш гурухи (ТГ 1) асосий терапиядан ташқари КВМП олди, иккинчи таққослаш гурухи (ТГ 2) асосий терапиядан ташқари L-карнитин препаратини олди, асосий гурух (АГ) асосий терапиядан ташқари КВМП ва L-карнитин препаратини олди.

Консерватив даво олган беморлардан ташқари, жаррохлик амалиёти ўтказилган гурух ҳам бўлди, уларни биз оператив даводан кейин ўтган муддатга кўра, операциядан кейинги эрта давр (ОКЭД) – 1 йилгача, ва операциядан кейинги кеч муддатли давр (ОККМД) – 10 йилгача бўлган гурухларга ажратдик. Умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари бўлмаган 45 нафар киши назорат гурухини (НГ) ташкил қилди. Ифодаланган неврологик спинал белгилари бўлган, интра- ва операциядан кейинги неврологик спинал асоратлар юзага келишининг катта хавфига эга бўлган, 10 нафар беморларга ИОНМ ўтказилди.

Диссертациянинг **“Умуртқа поғонаси ўқи деформациясининг клиник ва неврологик кўринишлари”** деб номланган **учинчи бобида** анамнестик, неврологик кўрув маълумотлари, шкалалар (ВАШ, DN4, ВНС-саволномаси, ВНСББСКШ ва Бека депрессияси шкаласи) бўйича неврологик статус, шунингдек деформациянинг ифодаланганлигига кўра УПЎД бўлган беморларда нейрофизиологик (ЭНМГ, ССЧП, ВНС-метрия) текширувлар тақдим этилган.

УПЎД нинг клиник белгилари

Уларни ривожланишининг сабаблари: идиопатик сколиоз 53,22% беморларда, диспластик сколиоз - 29,5%, умуртқа поғонасининг нейроген деформацияси - 11,19%, туғма деформациялари - 3,39% да, нейрофиброматоз - 2,04% да, Элерса-Данло-Черногубов синдроми - 0,68% да.

Беморларимизда умуртқа поғонаси деформациясининг жойлашуви тахлил қилинганда шу нарса аниқландики, бунда умуртқа поғонаси деформациясининг кўкрак (44,41%), бўйин-кўкрак (28,48%) ва кўкрак-белдаги (18,31%) жойлашуви устунлик қилган, белда (4,07%), тотал С-симон (2,38%) ва S-симон (2,38%) деформацияси эса кам ҳолатларда учраган.

Кўкрак қафасининг орқасида оғриқ (96% ҳолатларда), вегетатив бузилишлар (қўл ва оёқларнинг терлаши, қўл ва оёқлар ва орқанинг совқотиши (100%), кадам ташлашнинг бузилиши (35,3%) УПЎД бўлган беморларнинг асосий неврологик шикоятлари бўлиб ҳисобланади.

Кўпинча беморларимизда биз вегетатив бузилишлар (100%), сезгирликнинг бузилиши (62,4%), пай рефлексларининг жонланиши (53,6%), шунингдек орқа мушакларининг рефлекс таранглашиши (68,8%) ва кадам ташлашнинг бузилишини (69,6%) аниқладик. Неврологик симптомлардан парестезиялар (17,6%), ва ўтказувчанлик тури бўйича сезгирликнинг бузилиши (6,4%) жуда кам учраган.

Неврологик статус томонидан аниқланган патология иккиламчи характерга эга бўлиб, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда умуртқа поғонаси деформациясининг мавжудлиги ва ифодаланганлик даражаси билан чақирилган. Неврологик симптомларнинг полиморфизми, ушбу симптомларнинг ривожланишига олиб келувчи, умуртқа поғонаси устуни шикастланишининг турли-туманлиги ва тарқалганлиги билан чақирилган. Ушбу бузилишларнинг вертеброген келиб чиқиши бош мия нервлари патологиясининг кам частотада учраши билан ҳам тасдиқланади.

Шкалалар бўйича УПЎД бўлган беморларда неврологик симптоматиканинг клиникаси

Оғриқ синдроми интенсивлиги ва локализацияси бўйича турлича бўлган. Оғриқ характери бўйича “санчикли”, “лўқилловчи характерли” каби таърифланган. Локализацияси бўйича 51,1% ҳолатларда торокалгия, 74,24% - люмбалгия, 15,72% ҳолатларда люмбоишиалгия кузатилган. Оғриқ интенсивлиги ВАШ шкаласи бўйича, оғриқнинг нейропатик компоненти эса DN4 шкаласи бўйича баҳоланди. ВАШ ва DN4 маълумотлари бўйича оғриқ синдромининг ифодаланганлиги жадвал 1 да келтирилган. Умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан оғриқ синдромининг ифодаланганлиги ошган. ВНС-саволномаси бўйича вегетатив нерв тизими ва ВНСББСКШ бўйича вертеброневрологик симптомларнинг ифодаланганлигини текширишда ушбу кўринишларнинг турлича ифодаланганлиги аниқланди, бироқ умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан вертеброневрологик симптоматика оғирлашган (жадв.1).

Жадвал 1.

Умуртқа поғонаси деформациясининг ифодаланганлигига кўра шкалалар бўйича беморлардаги неврологик симптоматика

| Шкалалар ва саволнома | I даража n=60 | II даража n=60 | III даража n=60 | IV даража n=50 |
|-----------------------|------------------|-------------------|--------------------|-------------------|
| ВАШ | 3,1±0,1• | 4,5±0,2# | 6,0±0,1* | 7,0±0,1 |
| DN4 | 1,0±0,1• | 2,1±0,1# | 3,3±0,1* | 4,2±0,1 |
| ВНС саволномаси | 25,6±0,5• | 31,8±0,5# | 38,3±0,3* | 41,8±0,7 |
| ВНСББСКШ | 4,9±0,2• | 8,6±0,3# | 10,1±0,3* | 12,4±0,3 |
| Бека шкаласи | 40,5±0,4• | 44,7±0,5# | 49,6±0,2* | 53,5±0,4 |

Изох: • - $p < 0,05$ I д-жа ва II д-жа, III д-жа, IV д-жа орасида; # - $p < 0,05$ II д-жа, III д-жа, IV д-жа орасида; * - $p < 0,05$ III д-жа ва IV д-жа орасида;

УПЎД бўлган беморларда нейрофизиологик кўрсаткичлар

ЭНМГ бўйича периферик нервлар, хусусан, катта болдир ва кичик болдир нервлари текширилганида шу нарса аниқландики, умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан, бу нервлар бўйлаб импульс ўтказилишининг тезлиги пасайишга мойил бўлган (жадв.2).

Периферик нервлар (латентлик N22) ва орқа мия (интервал N22-P38) бўйлаб ССЧП текширилганида ўхшаш тенденция кузатилган, бунда умуртқа поғонаси

деформациясининг ошиши билан ССЧП латентлигининг ошиши аниқланган (жадв.2).

ТГЧП бўйича вегетатив нерв тизими текширувнинг маълумотлари тахлил қилинганда парасимпатикотония (амплитуда А1р), ҳамда симпатикотониянинг (амплитуда А2р) ошганлиги аниқланди, бироқ симпатикотония кўпроқ устунлик қилган. Умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан симпатикотониянинг ошишга мойиллиги бўлган, парасимпатикотониянинг эса деформациянинг даражасига боғлиқлиги бўлмаган (жадв.2).

Шундай қилиб, шкалалар ва нейрофизиологик текширувлар бўйича асаб тизимининг олиб борилган текширувлари шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан беморларда ВАШ шкаласи бўйича оғриқ синдроми ошади, периферик нервлар ва орқа мия бўйлаб импульсларнинг ўтказувчанлиги ёмонлашади, симпатикотониянинг устунлик қилиши билан ҳам парасимпатикотония, ва ҳамда симпатикотония ошади.

Жадвал 2.

Умуртқа поғонаси деформациясининг ифодаланганлигига кўра беморлардаги нейрофизиологик кўрсаткичлар

| Нейрофизиологик кўрсаткичлар | I даража n=60 | II даража n=60 | III даража n=60 | IV даража n=50 |
|------------------------------|------------------|-------------------|--------------------|-------------------|
| ЭНМГ КБН ИЎТэфф. | 49,1±2,1• | 48,5±1,8# | 45,8±1,4* | 44,6±1,5 |
| ЭНМГ КчБН ИЎТэфф. | 49,8±1,9• | 48,4±1,7# | 46,4±1,6* | 44,8±1,5 |
| ССЧП латентлиги N22 | 21,6±0,4• | 22,3±0,41# | 22,8±0,3* | 23,5±0,5 |
| ССЧП Интервал N22-P38 | 17,2±0,3• | 17,8±0,3# | 18,3±0,3* | 19,3±0,3 |
| ТГЧП амплитуда А1р | 1,3±0,2• | 1,2±0,2# | 1,3±0,3* | 1,4±0,4 |
| ТГЧП амплитуда А2р | 3,6±0,3• | 3,7±0,4# | 4,0±0,5* | 4,2±0,6 |

Изох: КБН – катта болдир нерви; КчБН – кичик болдир нерви; ИЎТ эфф. – импульсни ўтказиш тезлиги эфферентли. • - $p < 0,05$ I д-жа ва II д-жа, III д-жа, IV д-жа орасида; # - $p < 0,05$ II д-жа ва III д-жа, IV д-жа орасида; * - $p < 0,05$ III д-жа ва IV д-жа орасида

Умуртқа поғонаси деформациясининг ифодаланганлигига кўра беморларда клиник синдромлар бўйича кузатиладиган неврологик симптоматика

Беморларимизда кузатилган неврологик симптомларни тизимлаштириш мақсадида биз И.П. Антонов (1985), шунингдек Д.К. Богородинский ва А.А.Скоромец (2002) томонидан таклиф этилган тасниф тамойилларига асосланиб, клиник синдромлардан фойдаландик, бунда реффлектор, илдизли ва спинал синдромларни аниқладик. Бундан ташқари, умуртқа поғонаси деформациясининг I даражаси бўлган беморларда фақат вегетатив белгилар аниқлангани боис, биз тўртинчи - вегетатив синдромни киритдик.

Вегетатив синдром учраши бўйича биринчи ўринни эгаллади (100% беморларда) терлаш ёки оёқ-қўлларнинг дистал бўлимларининг совуши, тана териси де- ёки гиперпигментацияси, ёғланиши ва унинг гиперестезияси,

демографизмнинг бузилиши билан намоён бўлди. ТГЧП маълумотларига кўра беморларнинг бир қисмида симпатикотония (А2р амплитуданинг ошиши), яна бир қисмида эса парасимпатикотония кузатилди (А1р амплитуданинг ошиши).

Рефлектор синдром кўпчилик беморларда учради ва статик ва жисмоний юкламаларда, бел соҳасида оғриқ ва чарчаш билан намоён бўлди баъзи ҳолатларда оғриқ, кўкрак қафасида, белбоғсимон характерга эга бўлди, тез чарчаш, оёқларда оғриқ кузатилди.

Илдиз синдроми, рефлектор синдромга нисбатан, бироз камроқ учради ва кўпинча деформация томонида илдизли тури бўйича сезгирликнинг бузилиши, пай анизорефлексияси билан намоён бўлди. Паравертебрал нукталарда оғриқ, мусбат тортишиш симптомлари: Нери, Лассега, Вассерман, Мацкевич. ЭНМГ ва соматосенсор чақирилган потенциаллар натижаларида ҳаракатлантирувчи ва сезги нерв толалари бўйлаб импульсни ўтказиш тезлигининг секинлашиши аниқланди.

Спинал синдром унча кўп бўлмаган беморларда кузатилди ва неврологик ўзгаришлар патологик белгилар - Бабинский, Россолимо, Оппенгейм, товон клонуси, ўтказувчанлик тури бўйича сезгирликнинг бузилиши, шунингдек тос аъзоларидаги неврологик бузилишларнинг кўшилиши билан ифодаланди. ССЧП да орқа мия бўйлаб ўтказувчанликнинг секинлашиши аниқланади (интервал N22-P38).

Диссертациянинг **“Умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларда қон биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзига хослиги”** номли **тўртинчи бобида** УПЎД да яллиғланиш, оксидланиш, углевод-оксил метаболизмининг хусусиятлари, зардобда гликозаминогликан, серотонин, суммар протеолитик фаоллиги ва матриксли металлопротеиназа даражаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра, УПЎД да умуртқа поғонаси-ҳаракат сегментида дегенератив жараён полиэтиологик табиатга эга, уларнинг юзага келиши ва ривожланиши эса бирламчи ва иккиламчи циркулятор бузилишлар билан боғлиқ, натижада умуртқа поғонаси деформацияси зўради, бу эса кўкрак қафаси ва тос шаклининг ўзгариши, шунингдек анаболик ва катаболик жараёнларнинг десинхронизациясига олиб келади.

Маълумки, умуртқа поғонаси деформациясида умуртқа поғонаси-ҳаракат сегментининг дегенератив ўзгаришларининг патогенезида умуртқа поғонаси бўғимларидаги тоғайли ҳосилаларга кўрсатиладиган механик юклама регионал қон томир реакциялари ва яллиғланишини келтириб чиқаради. Бу қон зардобиди ЭЧТ, С-реактив оксил, ИЛ-6, фибриноген ва IgE даражасининг ошиши билан тасдиқланади, ва касалликнинг оғирлик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Тадқиқотнинг тақдим этилган натижаларидан кўриниб турибдики, УПЎД да липопероксидация жараёнининг интенсивлиги ўзига хос характерга эга. Беморларда касалликнинг биринчи даражали оғирлигида қон плазмасида липопероксидация маҳсулотларининг катта миқдорда ошиши аниқланган. Бунда, умумий оксидантли фаолликнинг (УОФ) кўрсаткичлари, соғлом

шахслардаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, 21% га ошган. Шу билан бир қаторда, дастлабки маълумотлар билан таққослаганда, умумий антиоксидантлик фаоллик (УАФ) ҳам ошган. Касалликнинг иккинчи даражали оғирлигида липопероксидация жараёнларининг активацияси организмнинг антиоксидантлик химиясининг пасайишига олиб келган. УОФ/УАФ нисбати текширилганда шу нарса аниқландики, умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан, бу кўрсаткичнинг ошишга мойиллиги кузатилади: УПЎД нинг I даражасида – $0,091 \pm 0,002$, УПЎД нинг IV даражасида – $0,215 \pm 0,003$.

Қон зардоби намуналари углевод-оксил бирикмаларига текширилганида, физиологик меъерий кўрсаткичларга нисбатан, УПЎД бўлган беморларда уларнинг концентрацияси паст эканлигини кўрсатди. Бунда, касаллик даражаси қанча оғир бўлса, назорат гуруҳи кўрсаткичлари ($0,023 \pm 0,002$ г/л) билан таққосланганда, қон зардобидаги углевод-оксил бирикмалари даражаси шунча паст бўлади (УПЎД нинг I даражасида – $0,07 \pm 0,003$ г/л, УПЎД нинг IV даражасида – $0,114 \pm 0,002$ г/л).

Қон плазмасининг деярли барча оксиллари (альбуминлар ва липопротеинлардан ташқари) регулятор, гомеостатик, адаптацион ва репаратив функцияларни таъминлаб берувчи (яъни биологик фаол бирикмалар бўлиб ҳисобланади) углевод-оксил бирикмаларига кирганлиги боис, УПЎД да улар концентрациясининг аниқланган камайишини, касалликнинг сурункали кечишида организмнинг адаптацион имкониятларининг тугаб бориши оқибатида улар синтези жараёнларининг пасайиши билан тушунтириш мумкин.

УПЎД бўлган беморларда бўғим тоғайининг дегенерациясида гликозаминогликанларни миқдори УПЎД нинг I даражаси бўлган беморларда статистик жиҳатдан ишонарли ошади. УПЎД нинг II ва III даражаси бўлган беморларда ўрганилаётган кўрсаткич дастлабки қийматлардан мос равишда 3,6 ва 4,7 бараварга юқори бўлган (УПЎД нинг I даражасида – $0,07 \pm 0,003$ г/л, УПЎД нинг IV даражасида – $0,114 \pm 0,002$ г/л, НГ – $0,023 \pm 0,002$ г/л). Тадқиқотнинг олинган натижалари, эҳтимол, умуртқа поғонасининг бўғим тоғайларида катаболик жараёнларнинг кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. УПЎД бўлган беморларда гликозаминогликанларнинг қон зардобида юқори бўлиши умуртқа поғонасининг шикастланган бўғим тоғайларида протеогликанлар гидролизининг тезлашганлиги ва деградация маҳсулотларининг қон оқимида чиқиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотда олинган натижаларнинг таҳлили УПЎД бўлган беморларда протеолитик ферментлар фаоллигининг ошишини аниқлади. УПЎД нинг I даражаси бўлган беморларда, соғлом шахсларнинг кўрсаткичи билан таққослаганда, протеолизнинг 23% га ошганлиги кузатилган. Кейинчалик касалликнинг оғирлик даражасининг ошиши протеолиз жараёнларининг ўртача мос равишда 38% ва 98% активацияси билан кечган (УПЎД нинг I даражаси – $1,48 \pm 0,02$, УПЎД нинг IV даражасида – $2,62 \pm 0,12$, НГ – $1,24 \pm 0,011$).

Умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан УПЎД бўлган беморларда протеолитик ферментлар фаоллиги ва қон зардобида, бириктурувчи тўқимада оксилларнинг алмашинувида марказий рол ўйнайдиган ва

коллагенлар парчаланишининг специфик маркери бўлиб ҳисобланган, 1 ва 9 турдаги матриксли металлопротеиназанинг (ММП-1 ва ММП-9) ошиши каби ўхшаш ўзгаришлар кузатилган (ММП-1 УПУД нинг I даражаси – 186,5±1,8 нг/мл, УПУД нинг IY даражасида – 649,7±7,7 нг/мл, НГ – 66,9±1,1 нг/мл). (ММП-9 УПУД нинг I даражаси – 84,2±1,8 нг/мл, УПУД нинг IY даражасида – 117,4±0,9 нг/мл, НГ – 73,95±0,79 нг/мл).

Умуман олганда, умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси зўрайишининг патогенезини патогенетик схема кўринишида тассаввур қилишимиз мумкин, бундан кўриниб турадики, деформацияга учраган умуртқа поғонасининг шикастловчи омили оқибатида тоғайли структурада яллиғланишли, оксидантли, протеолитик механизм ишга тушади, бу бириктирувчи тўқима парчаланишининг иккиламчи жараёнига, бу эса ўз навбатида, умуртқа поғонаси тоғайли структураси ва фасет бўғимларга такрорий таъсир кўрсатиш, “узвийлик айланаси” нинг ҳосил бўлиши билан умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг кучайишига олиб келади. “Узвийлик айланаси” нинг моделида шу нарса кўрсатилганки, умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг ошиши билан неврологик симптоматиканинг оғирлашиши рўй беради: вегетатив – рефлексор – илдизли синдромдан спинал синдромгача ривожланади. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларда умуртқа поғонаси деформацияси даражасининг зўрайиши билан ВАШ ва DN4 бўйича оғриқ синдромининг ифодаланганлиги ошади ($r=0,72$). Оғриқ синдромининг ошиши яллиғланиш маркерлари, оксидланиш жараёнлари, зардобдаги гликозаминогликан ва суммар протеолитик фаолликка кўра бир йўналишдаги векторли боғлиқликда туради. Бўғим тоғайининг дегенерацияси бўлган баъзи беморларда УПУД да қон зардобдаги суммар протеолитик фаоллик ҳолати ва оғриқ синдромининг ифодаланганлиги орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланган, бу оғриқнинг юзага келишига олиб келувчи, вазоактив пептидларнинг ҳосил бўлишида трипсинсимон фаолликка эга ферментларнинг иштироқи билан чақирилган бўлиши мумкин.

Бироқ, бизнинг фикримизча, оғриқ синдромининг даражаси ва яллиғланиш жараёнлари орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Беморларда оғриқ синдромининг кучайиши илдизларда шиш ва яллиғланишнинг ошиши ва илдизли оғриқ синдромининг кучайиши билан умуртқа поғонаси деформациясининг зўрайишида фасет бўғимларга юкломанинг ошиши билан боғлиқ.

Оғриқ синдромининг кучайиши, марказий вегетатив марказлар орқали қонда серотонин даражасига таъсир кўрсатувчи, симпатикотониянинг ошиши билан марказий вегетатив марказларнинг таранглашишига олиб келади.

Серотониннинг узоқ вақт пасайиши ўз навбатида оғриқнинг психоген компонентининг пайдо бўлиши билан, оғриқ синдромининг субъектив ифодаланганлигини кучайтириб, субдепрессия ва депрессиянинг ҳосил бўлишига олиб келади, оғриқ синдроми мушак-тоник синдромини келтириб чиқаради, бунда бошқа “узвийлик айланаси” – “оғриқ - ВНС дисбаланси – серотониннинг пасайиши – субдепрессия – оғриқ - мушак-тоник синдромининг ошиши – умуртқа поғонасининг деформацияси” ҳосил бўлиб, умуртқа поғонасининг тоғайли ҳосилаларига таъсир кўрсатиш билан, умуртқа поғонасининг янада деформацияланиши рўй беради.

УПУД бўлган беморларда консерватив терапиянинг самарадорлигини баҳолаш

Текширувдан ўтказилган беморлар 4 даволаш гуруҳига ажратилди. Биз томондан ажратилган гуруҳларда беморлар ёши ва жинси, шунингдек клиник-параклиник кўрсаткичлар бўйича таққосланди. Беморларни динамикада текширувдан ўтказдик: клиникага келган куни ва ўтказилган даволанишдан сўнг даврида. Гуруҳларда олиб борилган даво натижалари барча гуруҳларда шкалалар ва саволнома бўйича ўзгаришлар ишонарли ($p < 0,05$) тарзда камайди. Бироқ, АГ, ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги, НГ даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди. Ўз навбатида АГ даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги (яъни неврологик симптоматиканинг яхшиланиши), ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди (жадв.3). Гуруҳларда олиб борилган даво натижалари гуруҳларда нейрофизиологик ўзгаришларнинг ишонарли ($p < 0,05$) камайганлигини аниқлади. Бироқ, АГ, ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги, НГ даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди. Ўз навбатида АГ даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги (яъни нейрофизиологик кўрсаткичлар бўйича неврологик симптоматиканинг яхшиланиши), ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди (жадв.4.)

УПУД бўлган таққослаш гуруҳидаги беморларнинг биокимёвий кўрсаткичларида қуйидагилар аниқланди: регионал қон томири реакциялари ва қуйидагилар кўринишидаги яллиғланиш: ЭЧТ кўрсаткичи, С-реактив оксил, ИЛ-6 даражаси, фибриноген даражаси ва IgE нинг ошиши; умумий антиоксидант фаолликнинг камайиши билан бирга умумий оксидант фаолликнинг ошиши; суммар протеолитик фаолликнинг металлопротеиназининг -1, -3, -9 ошиши; гликазамингликанлар миқдори ошиши; углевод-оксил бирикмаси концентрациясининг камайиши (бириктирувчи тўқима парчаланишининг жараёнлари), ҳамда серотонин даражасининг камайиши, бу кўрсаткичлар гуруҳларда бир-биридан ишонарли фарқ қилмади.

Гуруҳларда олиб борилган даво натижалари гуруҳдаги беморларда биокимёвий кўрсаткичларнинг ишонарли ($p < 0,05$) тарзда яхшиланганлигини кўрсатди. Бироқ, АГ, ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги, НГ даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди. Ўз навбатида АГ даги беморларда ўзгаришларнинг ифодаланганлиги (яъни биокимёвий кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги), ТГ 1 ва ТГ 2 даги беморларга нисбатан, ишонарли ($p < 0,05$) ижобий бўлди (жадв.5 ва жадв.6). Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида УПУД бўлган беморларда неврологик ўзгаришларга микрополяризациянинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар олинди. Краниовертебрал микрополяризация (КВМП) қўлланилганида оғриқ синдромининг ифодаланганлиги камаяди ва периферик нерв тизими ва орқа миянинг ҳаракатлантирувчи ва сезги толалари бўйлаб импульснинг ўтказилиш тезлиги яхшиланган. Бундан ташқари, депрессия даражасининг камайиши, ҳам симпатикотония, ва ҳамда парасимпатикотониянинг ўзгариши ва когнитив ўзгаришларнинг яхшиланиши аниқланган.

Жадвал 3.**Консерватив даво фонида умуртқа поғонаси ўқининг деформацияси бўлган беморларда шкалалар ва саволнома бўйича клиник кўрсаткичларнинг динамикаси**

| Текширув усуллари | АГ n=60 | | ТГ1 n=60 | | ТГ2 n=60 | | НГ n=50 | |
|-------------------|----------|-----------|----------|------------|----------|------------|----------|------------|
| | Давогача | Сўнг | Давогача | Сўнг | Давогача | Сўнг | Давогача | Сўнг |
| ВАШ | 5,2±0,2 | 1,9±0,1° | 5,0±0,2 | 2,7±0,2°* | 5,0±0,2 | 2,9±0,2°* | 5,1±0,2 | 3,4±0,2°* |
| DN4 | 2,8±0,2 | 1,3±0,1° | 2,6±0,2 | 1,5±0,2°* | 2,6±0,2 | 1,6±0,2°* | 2,5±0,2 | 2,1±0,2°* |
| ВНС саволномаси | 34,3±1,1 | 25±1,1° | 33,9±1,0 | 28,1±1,0°* | 33,9±0,9 | 28,3±0,9°* | 34,1±0,7 | 31,1±0,7°* |
| ВНСББСКШ | 8,9±0,5 | 5,5±0,4° | 8,6±0,4 | 6,5±0,4°* | 9,1±0,4 | 6,5±0,4°* | 8,8±0,4 | 8,2±0,4°* |
| Бека шкаласи | 46,1±0,8 | 39,9±0,6° | 47,4±0,7 | 46,7±0,3°* | 46,7±0,7 | 42,5±0,7°* | 47,0±0,8 | 44,8±0,7°* |

Изох: ° - p<0,05 давогача ва сўнг гуруҳ ичида, * - p<0,05 АГ ва ТГ1, ТГ2, НГ орасида даводан сўнг

